

## НАВОЙ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНинг ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

*Навоий давлат педагогика институти (Ўзбекистон)*

*Доцент (PhD) Холикулова Шахноза Боймуҳамматовна*

*Магистр Тухтаев Темур Ахтам ўғли*

**Аннотация:** Муаллиф мақолада Навоий вилоятида жойлашган йирик саноат корхоналини иқтисодий ривожланиши Навоий вилоятида жойлашган саноат шаҳарларинг инфратузилмаси ва аҳолининг турмуш тарзига таъсир қилганлигини билишимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий ҳимоя, Навоийазот, Навоийцемент, Электрокимё заводи, НКМК, маданият уйлари, дам олиш маканлари, мактаблар ва боғчаларни таъмиrlаш.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иктисодий тизимни ислоҳ қилиш шароитида аҳолини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш мақсадида хўжалик юритишнинг ижтимоий-иктисодий тизимида советлар ҳукмронлиги давридан сақланиб келаётган узилишларни бартараф қилиш чоратадбирлари кўрила бошланди. “Хукumat ва Президент кўрадиган асосий ҳимоя чоралари, энг аввало, ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва макtab ўқувчилари манфаатларига хизмат қиласди”[1]. Шу мақсадда 1991 йил нояброда Республика ҳукумати ижтимоий таъминот вазирлигига бир ой муддатда ўз тасарруфидаги таҳлил қилиш ва пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва талабаларни муҳофаза қилиш вазифалари топширилди[2;10 б].

Бозор иқтисодиётига ўтиш республиканинг барча вилоятларида бўлгани каби, Навоий вилоятида ижтимоий-иктисодий барқарорликни таъминлаш осон кечмади. Жумладан, Навоийазот, Навоийцемент, Электрокимё заводи, НКМК ва бошқа саноат корхоналари фаолиятини жонлантириш орқали аҳолининг турмуш шароити ва истеъмол даражасини кўтаришга эътибор қаратилди. Аввало, саноатлашган худудларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида Бухоро вилоятида 1993 йилнинг 5 ойида 5 млрд 826 млн сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, янги қурилишнинг деярли барчаси ижтимоий обьектлар эди. Бу борада ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган дастлабки муҳим ишлардан бири Дамхўжа – Навоий – Бухоро сув қувурининг қурилиши ва ишга туширилиши бўлди[2;10 б]. Натижада асрлар давомида ҳовузлар, қудуқлар ва ариқлардан оқсан заҳ сувларни истеъмол

қилишга мажбур бўлган Қўйи Зарафшон аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Юқорида таъкидланганидек, 1990-йилларнинг бошларида саноат Республика ҳокимияти бошқарувига ўтгандан кейин саноат корхоналаридан русийзабон ишчилар кўчиб кета бошлади. Шундай бўлса-да, иттифоқ даврида ёпиқ шаҳарларда демографик қўрсаткичлар тушиб кетмади. Маҳаллий кадрлар шаҳарларга кўчиб келиши туфайли бу шаҳарларда аҳоли ўсиши кузатилди.

Ҳомийлик ишлари Навоий шаҳрининг ободончилигига кузатилди. 2001 йилда мактаблар ва болалар боғчаларини замон талаблари асосида моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун Навоий шаҳар ҳокимлигининг 2001 йил 1 майдаги 554/05-сонли қарори асосида барча таълим муассасаларини бюджет ҳисобидан 33.905 000 сўм ва оталиқ ташкилотлар томонидан 30805000 сўм таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 1-сонли гимназия мактабига оталиқ ташкилот ГМЗ томонидан бинонинг ички қисми ва бюджет томонидан 1млн сўмга бинонинг том қисми таъмирланди. 2-сонли мактаб бўйича том таъмирлаш ишлари бюджет маблағидан 100 % бажарилди. Оталиқ ташкилот НГМК томонидан мактаб биносининг ички қисми косметик таъмирланди. 4-сонли ўрта мактабга беркитилган оталиқ ташкилот ОЭС НГМК томонидан мактаб биносининг иситкич тизимлари қайта таъмирланди[3].

Республика хукумати саноат корхоналари ишли-ходимларининг соғлиғи ва маданий шароитини яхшилашга давлат даражасидаги масала сифатида қаради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Геология, кўмир, нефт ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий раёсатининг 18 -сонли Қарорида Ўзбекистон геолог қидиравчилари учун Қора денгиз соҳилига, шимолий Кавказ, Крим ва Москва вилоятида жойлашган санаторийлар ва дам олиш пансионатларига 1500 дан зиёд йўлланма ажратган. Шу билан бир қаторда, маҳаллий санаториялар ва дам олиш уйларида хордиқ чиқариш ҳамда даволанишни ташкил қилишга ҳам эътибор кучайди. 1995 йили Давлат геология қўмитаси геолог қидиравчилар, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун “Чотқол” санаторийсида даволаниш ва дам олиш шарт-шароитларини яхшилаш учун ётоқхона, даволаш корпушлари ва коттежларда жами 5 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини бажарди. Атроф ободонлаштирилиб, суғориш тизими ўтказилди[2;116].

Ўзбекистондаги йирик кимё саноати корхонаси ҳисобланган “Навоий- азот” акционерлик жамияти “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси таркибида кирганидан кейин техника ва технологияларининг қуввати ошди, муҳандислар ва новатор ишчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш имконияти кенгайди. Жамиятда кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва самарали ишлашлари учун қулай шароит яратиб беришга эътибор кучайтирилди.

10 мингдан ортиқ ишчи ишлайдиган жамоада барқарорлик, ходимлар ижтимоий мухофазаси шароитларини яратиш, иш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратилади[4]. “Навоийазот” кадрлар бўлими маълумот-ларига кўра, корхонада 2103 нафар 30 ёшгача бўлган ходим ишлайди[5].

“Навоийазот” корхонаси ҳисобида тиббий-санитар қисм, профилактория-санаторийси, “Ширин” маданият саройи, “Химик” стадиони, “Офтобжон” болалар дам олиш оромгоҳида корхона ишчилари, пенсионерлар ва болаларга ғамхўрлик кўрсатилади[6]. 2016 йилда ишчиларнинг тиббий ижтимоий таъминоти учун 8.67 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 14.62 млрд. сўмга етди[7]. Корхона ишчиси Мафтуна Иззатованинг таъкидлашича, оналик таътилига чиққан ёш оналарга фарзандини 3 ёшга тўлгунича лавозими турига қараб нафақа жорий этилган[8]. Шундай қилиб, Навоий вилоятида шаҳар қурилиши ва ижтимоий-маданий тармоқларнинг ривожланиши саноат ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида “Навоийазот” га тегишли 3 та мактаб озиқ-овқат билан таъминланди. 13 та ошхона, дам олиш, даволаниш зоналари, соғломлаштириш спорт майдончалари ишчиларга хизмат қилди. Ҳар ойда 99 миллион сўм маблағ “Ширин” маданият саройига маданий хордик учун ажратилди. Ишчиларни қурилиш материаллари билан таъминлашда, уйларини таъмирлаб беришда ҳам корхонанинг ҳиссаси катта эди[9; 210].

Ўзбекистондаги энг йирик кимё корхонаси – “Навоийазот” ОАЖда 10 ўн мингдан зиёд ишчи хизматчи ва малакали инженер-техник ходимлар фаолият кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, уларнинг кўпчилиги заҳарли иш шароитида меҳнат қиласидилар. Касб касалликларининг олдини олиш, ишчи ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида тиббий санитария қисми замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, унда 250 дан ортиқ тиббиёт ходими 12 минг ишчи хизматчига ва 2000 дан ортиқ нафақахўрга тиббий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, 2006 йилдан пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳам ташкил қилинди. Корхона ички худудида 7та фельдшерлик соғломлаштириш шахобчалари хизмат кўрсатади[9; 218].

1992 йилда фойдаланишга топширилган “Ширин” маданият саройи нафақат “Навоийазот” ОАЖнинг, балки Навоий шаҳрининг кўркига айланди. Шаҳарнинг “Истиқлол”, “Дўстлик ғунчалари”, “Гармония” рақс дасталари Республика ва халқаро миқёсда фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек маданият саройи ҳузурида тасвирий ва амалий санъат студияси, 2013 йилда “Ёш томашабинлар театр” ташкил этилди[9; 210]. 2012 йилда Навоий

вилояти “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларига мезбонлик қилди. Қўл тўпи ва футбол спорт тури финал босқичи “Химик” майдонида ўтказилди[12; 219].

“Ўзқимёсаноат” ДАКнинг топшириғи ва “Навоийазот” ОАЖ бошқаруви раисининг 2012 йил 23 февралдаги 290-буйруғи асосида озиқ-овқат дастурини амалга ошириш бошқармаси ташкил этилди. Бугунги кунда корхона Кармана туманининг “Кумушкон” массивида 140 гектарлик экин ерларига, 400 бошга яқин наслли қорамолларга эга чорвачилик мажмуасига, Нурота туманинг “Истиқлол” ширкат хўжалиги ҳудудида 100 гектарлик 14 хилдаги нодир мевалар етиширишга мўлжалланган замонавий томчилаб сугориладиган мевазор боғга, Украина туманинг ТЕХНО компанияси ускуналари билан жиҳозланган 40 минг товукқа эга бўлган паррандачилик мажмуасига, шунингдек, 56-цех ҳудудида жойлашган 0.85 гектарлик иссиқхонага эга[13;220]. Корхона имкониятларидан келиб чиқиб соҳаларни ривожлантириш ва янги тармоқларни ташкил этиш режаларини тузган.

Навоий вилоятида жойлашган йирик саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда, ишчи-ходимларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва саломатликларини тиклашга, ёшларни маънавий баркамол бўлиб тарбияланишларига алоҳида-алоҳида эътибор берди. НКМК бозор иқтисодиёти шароитида ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида уй-жой билан таъминлаш, соғломлаштириш, болаларнинг мактабгача таълим муассасалари ва соғломлаштириш оромгоҳларида тарбияланиши, ишчилар ва ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари мақсадида оммавий-маданий ҳамда жисмоний тарбияга эътибор кучайтирилди. Қарийб 900 нафар ишчи-ходимлар қишлоқ жойларида намунавий лойихадаги турар жойларга эга бўлди. Зарафшон, Учқудук, Нурабод ва Маржонбулоқ шаҳарларида спорт мажмуалари, маданият муассасалари бунёд этилди.

Воҳа ҳудудларида санатория ва курорт зоналари қуриш имконияти чекланганлиги туфайли йирик саноат корхоналари қўшни вилоятларнинг дам олиш зоналаридан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун таъмирталаб бўлиб қолган биноларни тузатишиб, барча талабларга жавоб берадиган замонавий санаториялар ва дам олиш зоналарига айлантиридилар.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон. –Б 419.
2. Холикулова Ш. Қўйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши жараёнлари (1991-2016 йй.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2020.

3. <http://www.navoiyazot.uz/uz/>
4. “Навоийский химик”, 2018 йил 29 март.
5. “Навоийский химик”, 2016 йил 26 май.
6. “Навоийский химик”, 2018 йил 21 декабр
7. Жонли тарих, Корхонанинг 32-цех ишчиси Иззатова Мафтуна (ёш она)нинг мулоҳазалари (2019 йил 8 январ)
8. “Дўстлик байроғи”, 1994 йил 29 март.
9. “Навоийазот” ОАЖ 50 йил. –Навоий: А.Навоий номли нашриёт, 2014.